

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

317 **Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳит-
ни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини
ташkil этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон Фармониға мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини самарали ташkil этишни таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари Комплекси таркибига киради.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1- ва 1а-иловаларига* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бошқарув ходимлари чекланган сони 62 нафардан иборат марказий аппарати тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

* 1, 1а-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг тузилмаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3- ва 4-иловаларга* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг марказий аппарати тузилмаси ҳамда унинг биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш ҳудудий инспекциялари намунавий тузилмаси 5- ва 6-иловаларга* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппаратида Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекциясининг тузилмаси 7-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларида Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияларининг намунавий тузилмаси 8-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилишни амалга оширадиган туманлар (шаҳарлар)га бириктирилган инспекторларнинг қўшимча киритиладиган штат бирликлари чекланган сони 9-иловага* мувофиқ;

2017 — 2019 йилларда чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияларининг моддий-техник жиҳозланиши параметрлари 10-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисига, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида кирувчи ташкилотлар тузилмасига ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилансинки, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақла-

* 3 — 10-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ниши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекциялари фаолиятини таъминлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига, шу жумладан, 2017 йилда — Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрлари доирасида қопланади.

5. Қуйидагилар:

а) Чикиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ободонлаштириш бошқармаларининг шаҳар ва туманлардаги ихтисослаштирилган санитария тозалаш ташкилотлари, «Тоза ҳудуд» ва «Махсустрас» давлат унитар корхоналари, шунингдек, чикиндилар билан боғлиқ соҳадаги қонун ҳужжатларига риоя этиш бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш;

чикинди йиғиш пунктларини белгиланган тартибда ташкил этиш, чикиндиларни ўз вақтида олиб кетиш, рухсат этилмаган жойларда чикиндихоналар ташкил этилишига йўл қўймаслик, полигонларни бошқариш, чикиндиларни утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиш ва реализация қилиниши устидан назоратни ташкил этиш;

чикиндилар билан боғлиқ маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, уларни кўмиш ва утилизация қилиш жойларининг давлат кадастрини юритиш;

жамоатчилик томонидан экологик назоратни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига кўмаклашиш;

чикиндилар билан боғлиқ соҳада қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаган айбдор шахсларга нисбатдан жарима санкцияларини қўллаш орқали уларни маъмурий жавобгарликка тортиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузуридаги «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхоналарининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари:

чикинди йиғиш пунктларини эксплуатация қилиш, чикиндиларни ўз вақтида олиб кетиш, полигонларни бошқариш, чикиндиларни утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиш ва реализация қилиш масалаларида туманлар (шаҳарлар) филиаллари ва ихтисослаштирилган санитария тозалаш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

чикиндиларни йиғиш, саралаш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиш ва реализация қилиш тизимини самарали ташкил этиш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш, шунингдек, чикиндиларни олиб кетиш

бўйича мақбул жадваллар ва хизмат кўрсатиш маршрутларини ишлаб чиқиш;

фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан чамбарчас ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматларга шартномалар тузиш ва ўз вақтида ҳақ тўлашни таъминлаш борасида абонентлар билан ишларни ташкиллаштириш;

янги санитария тозалаш объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш мажбуриятлари пудратчилар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши мониторингини амалга ошириш, санитария тозалаш ташкилотлари моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш, филиалларни махсус машина ва механизмлар билан қўшимча жиҳозлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

в) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари:

биоресурсларни муҳофаза қилиш, оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш, шунингдек, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат органлари, бошқа ташкилотлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан ижро этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари хилма-хиллигининг мавжудлиги, сақланиши, табиий туркумлари яхлитлиги ва уларнинг яшаш муҳити учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ўзига хос, ноёб, муҳим табиий объектлар ва комплекслар, ўсимлик ва ҳайвонот генофонди муҳофазасини таъминлаш, инсон фаолиятининг табиатга бўлган салбий таъсирининг олдини олиш, табиат атроф муҳитининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси қисми мониторингини олиб бориш;

ҳайвонот ва наботот дунёси объектлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастрини юритиш, шунингдек, ёввойи ҳайвонларни, ёввойи ўсимликларни кўпайтириш ва сақлаш питомникларини, зоология ва ботаникага оид коллекцияларни давлат томонидан ҳисобга олиш;

г) Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ихтисослаштирилган аналитик назорат марказининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари:

республика атмосфера ҳавоси, юза сувлар, тупроқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ифлосланиш манбалари тўғрисидаги маълумотларни, аналитик назорат натижаларини тизимлаштириш ва умумлаштириш;

чиқиндиларни кўмиш (жойлаштириш)да экологик хавфсизлик талабларига риоя қилиниши, радиация хавфсизлиги таъминланишининг аналитик назоратини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларига риоя этилиши устидан инспекциявий аналитик

назорат, ифлослантириш манбалари мониторинги бўйича ишларни амалга оширишда раҳбарлик қилиш ҳамда ташкилий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

оқова ва ташланмалар, чиқиндилар, табиий муҳит объектлари ифлосланиши намуналарини олиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий анализларини олиб боришнинг илғор усулларини ўзлаштириш, такомиллаштириш, зарур ҳолларда, ишлаб чиқиш, қайта мукамал ишлаш ва жорий қилиш;

атмосферага моддалар ташланмалари назорати ва арбитраж ўлчовлари ўтказилишини, табиий муҳит объектлари ифлосланиши ва чиқариб ташланадиган оқова сувлар сифати анализ қилинишини таъминлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Кичик ўлчамли кемалар давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тасарруфига топширилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни;

Экология, атропо муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш фонди маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппарати ҳузуридаги Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низомни;

Атропо муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази тўғрисидаги низомни тасдиқласин:

8. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 21 апрель,
ПҚ-2915-сон